

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**ФАЛСАФА ВА ТАСАВВУФ: МАЪРИФИЙ
ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ**

мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

7 май

Бухоро – 2019

килиш мумкин. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-иқромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, минтақамиз бундан буён ҳам цивилизациялар тўқнашмайди, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган макон бўлиб қолаверади.

Мазкур масалада инсоният ҳаётида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни кўзлаётганини англаб етиш ҳамда бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида изчил ва таъсирчан тарғибот ишларини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 93-бет.

БИОЛОГИЯ ФАНИДА ФАЛСАФАНИНГ АЗАЛИЙ МУАММОЛАРИДАН ТАНАТОЛОГИЯ МУАММОСИ ХУСУСИДА

Атоева Дилсора-2-3 био 18

Илмий раҳбар-ф.ф.н., доц. Шарипова О.Т.

БухДУ

Инсон ҳаёти синовларнинг узилмас занжиридан иборат. Одамнинг маънавий даражаси ҳам айнан синовлардан қандай ўтиши билан белгиланади. Шу маънода шахсий турмушдаги омадсизликлар бировларнинг иродасини тоблашга хизмат қилса, иродасиз кимсаларни худкушлик фожиаси сари етаклаши ҳам мумкин. Инсоннинг омадёрлиги ё омадсизлиги, ҳаётдан ўз ўрнини топиши ё топмаслиги ҳар доим ҳам ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлавермаслиги, бунда кўпинча шахснинг ўзи, унинг савияси ва табиати етакчи ўрин тутиши илмий томоидан атрофлича асосланган. Боши берк қўчага кириб қолганини англаган ва бу вазиятдан қандай чиқиб кетишни билмаган иродасиз ва қаноатсиз инсон учун дунёнинг қизиғи қолмайди.

Муборак ҳадисларда: “Ўлим мўминга қилинган тухфадир”, дейилади. «Дунёга келган ҳар бир инсонки борки албатта ажал шаробини ичгувчидир», дейишади донишмандларимиз. Мўминларнинг яхшироқлари эса муносиб ўла билишга интилиб кун кечиради. Ҳар қандай одам ҳам ўлимнинг ҳақлигини билади, аммо бу ходиса ҳаддан ташқари сирли ва номаълум бўлгани учун барчанинг кўнглига кўркүв солади. Шу боисдан шараф билан муносиб ўла билиш мўмин учун мукофот бўлса, даҳрий учун йўқлик сари кўрқинчли йўлдир. Инсоннинг ўта серқирра руҳий дунёси

кутилмаган мураккаб вазиятларда тўлароқ очилади. Шунинг учун ҳам одамнинг асл кифоаси, унинг қандай яшагани ўлимга рўпара келганда яққол намоён бўлади. Аввалроқ маълум ва машҳур, бироқ ўзининг мавҳумлиги билан кишилар руҳиятига аллақандай кўрқув соладиган ўлим ҳодисасидир. Бироқ статистик маълумотларнинг аниқ бир илмий хулосага етаклаши даргумон. Клиник ўлим — бу ажал томонга ташланган бир қадам... У содир бўлганда кишининг юраги уришдан тўхтади, нафас олмайди, ташқи таъсирларга жавоб қайтармайди, бироқ организмда моддалар алманишуви, вактинча бўлсада, давом этиб туради. Демак, унинг “тирилишига” маълум маънода имкон бор... Ахир бу табиат қонуни — ўлим бўлмаса туғилишдан мантиқ йўқ... Айрим малакали нейрорроҳларнинг фикрича, клиник ўлим — ҳаёт ва ўлим орасидаги бир ҳолат. Бу ҳали ўлим дегани ҳам эмас, бироқ тириклик нишонаси ҳам эмас. Клиник ўлим марказий асаб тизимининг ишдан чиқиши ва қон айланишининг тўхташи билан бошланадиган физиологик ҳолат бўлиб, унинг сабаби турли хил патология: жароҳат, сурункали касалликнинг охири босқичи, ҳатто қандли диабет асоратлари бўлиши мумкин. Одатда клиник ўлим 4–7 минут давом этади. Мана шу вақт ичида “ўзини идора қилолмай қолган” асаб ҳужайраларини сақлаб қолиш қилиш мумкин. Узок вақт беҳуш ҳолатда бўлиш — бу кома. Клиник ўлимдан сўнг “тирилиш” имконияти жуда кам... Ўлим, охираат ҳақидаги тушунчалар ҳали ҳеч ким томонидан тўлиғича кашф этилгани йўқ. Балки шуниси билан ҳам у сирли, қизик, кишилар эътиборини жалб қиладиган ҳилқатдир. Мусулмон киши бир кунда берилган ризқ, кўрсатилган кунга шукроналар айтиш баробарида камида 7 марта банда эканлигини (вақти келиб ўлим топишини) бўйнига олиши лозим, деган гаплар бор. Дунёнинг қанчадан-қанча сир-асрори ечимини топган Ибн Сино “...ечилмай қолгани биргина ажал” деган эди. Демак, танадан ташқари ҳис қилиш, эшитиш ва эслаб қолиш каби қобилиятларга эга бўлган яна бир тана — руҳ мавжуд бўлиши мантиқан тўғри.

Биологик факторнинг эстетик ҳодисага айланиши, яъни ўлим ҳолатининг бадий адабиётдаги тасвири муаммоси ўта муҳим илмий масаладир. Аслида танатологиянинг текшириш объекти бўлмиш бу муаммога бағишланган қатор илмий тадқиқотлар Европа ва рус адабиётшунослигида азалдан мавжуд бўлса-да, ўзбек адабиётида мазкур масала монографик тарзда ўрганилмаган.

Маълумки биология табиий фанлар қаторига кириб тириклик тушунчасини тадбиқ этиладиган барча жонли организмларни ўрганади. Тириклик яъни ҳаёт ва ўлим бу бир-бири билан узвий боғлиқ табиат қонуни ҳисобланади. Мавжудлик, борлик ва тириклик тушунчаси фалсафа фанида кенг маънони англатади. Биология фани эса бу тириклик тушунчаси ёки ўлим тушунчасини илмий асослар билан тушунтириб уларга хос белги-хусусиятларни ўрганади. Ўлим – бу физиологик табиий

2-шўъба. Таълим ва маърифат ҳақидаги ғоя ва қарашларнинг тасаввуфий, фалсафий таълимотларда ўрганилиши..... 61

А.Болтаев. «РИСОЛАИ ҚУДСИЯ»ДА БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ “ИСАВИЙ АЛ-МАШҲАД” СИФАТИНИНГ ШАРҲИ.....	61
Шарипова О.Т. Тасаввуфий гносеология.....	64
Намозов Б.Б., Ш.Р.Халилова. МУҲАММАД ПОРСО ТАСАВВУФИЙ МЕРОСИДА АХЛОҚ МАСАЛАСИ.....	70
Абдуҳакимжон Шарипов. ИНСОН МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИ – ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР НЕГИЗИ.....	75
Нарзиев З., Аҳмедова Ф. АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ - ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ.....	78
Хўжанова Т. Тасаввуф маънавий ахлоқий ғояларининг ёшлар тарбиясидаги профилактик аҳамияти.....	84
Ж.Р. Жураев. ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СУФИЗМА: ЭТИМОЛОГИЯ И УЧЕНИЯ.....	87
Нарзиев З. АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ БОРЛИҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	92
Ақбар Алламов, Шаҳобиддин Муртозаев. Умар Хайём - Ишқ ва ҳаёт куйчиси.....	96
Б.Б.Дехқонов. Нақшбандия ғояларининг Навоий бадиий ижодиётида талқини.....	98
Umarova M., Haydarova N. HOJAGON – NAQSHBANDIYA TARIQATIDA KASB – HUNAR EGALLASH , MOL- MULK MASALALARI.....	100
Rajabova Dilnoza, Buyuk mutasavvif Aziziddin Nasafiy hayoti va ilmiy merosi.....	104
Ш.Б.Муртозаев. ШАҲОБИДДИН ЯҲЁ СУҲРАВАРДИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИ.....	107
Амонова Н. ТАСАВВУФДА УСТОЗЛИК МАҚОМИ.....	109
Аҳмадова У., Аҳмадова М. ТЕРАН ТАФАККУР ҲОСИЛАСИ.....	111
Ҳайдарова Ҳ.Б. МАРКАЗИЙ ОСИЕДА ТАСАВВУФ ТАРҚАТЛАРИ ТАРИХИДАН.	113
Ҳусейнова А. Шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижодига Нақшбанд таълимотининг таъсири.....	116

3-шўъба. Ҳозирги замон фалсафий оқимлари ва тасаввуфий ғояларнинг муштараклиги..... 123

Э.Бобомуродов, Жовлиев Ж. СИНЕРГЕТИКА ТАЪЛИМОТИ ДИАЛЕКТИКА АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН УСУЛДИР.....	123
Атоева Д., Шарипова О.Т. <u>БИОЛОГИЯ ФАНИДА ФАЛСАФАНИНГ АЗАЛИЙ МУАММОЛАРИДАН ТАНАТАЛОГИЯ МУАММОСИ ХУСУСИДА.....</u>	125